

**ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШГА  
ОИД ШАРТНОМА № 31962**

Самарканд шаҳри

«13» июль 2022 йил

«Дамир қурилиш сервис» МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Устави асосида иш юритувчи раҳбар :Ф.Қосимов номидан, бир томондан ва Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Устави асосида иш юритувчи ректори М.Э.Пўлатов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га институт Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтига қарашли 3 қавтли Дам олиш маскани биносининг ташқи (фасад) қисмини жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда – "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтига қарашли 3 қавтли Дам олиш маскани биносининг ташқи (фасад) қисмини жорий таъмирлаш	565 973 510	508 490 042
	Жами (ҚҚС)	84 869 026	76 273 506
	Жами (ҚҚС билан)	650 869 36	584 763 548

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 584 763 548 (Беш юз саксон тўрт миллион етти юз олтинчи уч минг беш юз қирқ саккиз) сўмни ташкил этади ҚҚС билан

1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: 2022 й. "14" июл. Тугаши: "13" июль 2022 й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Ишлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомога мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар " шунга ўхшаш "Ишлар " билан алмаштирилишини;

- "Ишлар "нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар "ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар " учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомога мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:**

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Ишлар"ни бажартш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ  
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **584 763 548 (Беш юз саксон тўрт миллион етти юз олтмиш уч минг беш юз қирк саккиз)** сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Мазкур шартномани икки томонлама имзоланган кундан бошлаб 3 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ шартномани умумий суммасидан 30% миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 3 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқбажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқбажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан

бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товармахсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «\_\_» июлдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сўнг қонуний кучга киради.

#### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «Ижрочи»

««Дамир қурилиш сервис» МЧЖ» МЧЖ

Манзил: Жомюой тумани Жомбой Арчазор 16  
Банк номи: Самарқанд шаҳар "Трастбанк"  
Тел: 90 270 270 52 23  
МФО: 01097  
ИНН: 303 386 499  
х/в. 2020 8000 0004 8139 6001  
ОКОНХ:

##### «Буюртмачи»

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти

Манзил: Самарқанд ш. А.Темур № 9 уй  
Тел./факс 8 (366) 231-12-53  
ИНН: 202009161  
ш/х 400910860184017094100079008  
Марказий банк ХКММ Тошкентш.Б.Б.  
х/р. 23402000300100001010

МФО: 00014

ОКОНХ: 92110

ИНН: 201122919

Раҳбар



Ф. Қосимов

(имзо)

Ректор



(имзо)

М.Э.Пўлатов

Хуқуқшунос  
Лицензия (диплом) № \_\_\_\_\_ берилган санаси: \_\_\_\_\_

Хуқуқшунос  
Лицензия (диплом) \_\_\_\_\_

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти билан «Дамир қурилиш сервис» МЧЖ ўртасида 2022  
йил **13** июлда тузилган № 31962 сонли жорий таъмирлашга оид шартномага

№ 1 сон илова

N п.п.	Тури	Улчов бирлиги			
			Хажм и	нархи	Суммаси
1	2	3	4	5	6
<b>ДЕМОНТАЖНЫЕ РАБОТЫ</b>					
1	ДЕМОНТАЖ МЕТАЛЛ.ДВЕРЕЙ	М2	13,5	99686	1 345 755
2	РАЗБОРКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ ДО: 63 ММ	100М	7	1592354	11 146 475
3	РАЗБОРКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ЧУГУННЫХ КАНАЛИЗАЦИОННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ: 100 ММ	100М	2,6	2226543	5 789 012
4	ДЕМОНТАЖ БАЛКОНЫХ ПЕРИЛ ИЗ УГОЛКОВ 40Х4	Т	0,84	567222	476 467
5	РАЗБОРКА ОБШИВКИ ПЕРИЛ ИЗ ПРОФНАСТИЛА	100 М2	1,32	3885504	5 128 865
6	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ КРОВЕЛЬ: ИЗ ВОЛНИСТЫХ И ПОЛУВОЛНИСТЫХ АСБЕСТОЦЕМЕНТНЫХ ЛИСТОВ	100М2	8,82	640563	5 649 765
7	РАЗБОРКА: ОБРЕШЕТКИ ИЗ БРУСКОВ С ПРОЗОРАМИ	100М2	8,82	399985	3 527 867
8	РАЗБОРКА: СТРОПИЛ СО СТОЙКАМИ И ПОДКОСАМИ ИЗ ДОСОК	100М2	8,82	594005	5 239 123
9	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ КРОВЕЛЬ: ИЗ ЛИСТОВОЙ СТАЛИ	100М2	0,15	275084	41 263
10	РАЗБОРКА КЛАДКИ ФРОНТОНА ИЗ: КИРПИЧА	10М3	0,56	5825691	3 262 387
11	РАЗБОРКА ОБШИВКИ ФРОНТОНОВ ИЗ МЕТАЛЛ.ЛИСТОВ	100М2	0,12	275084	33 010
12	ПОГРУЗОЧНО-РАЗГРУЗОЧНЫЕ РАБОТЫ ПРИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПЕРЕВОЗКАХ. МУСОР СТРОИТЕЛЬНЫЙ С ПОГРУЗКОЙ ВРУЧНУЮ: ПОГРУЗКА	Т	30	44062	1 321 862
13	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЕМ, РАССТОЯНИЕ ПЕРЕВОЗКИ 15 КМ, КЛАСС ГРУЗА 1	Т	30	12647	379 409
<b>ОБЩЕСТРОИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ</b>					
14	ФАКТУРНАЯ ОТДЕЛКА ФАСАДОВ МРАМОРНОЙ КРОШКОЙ	100М2	1,05	3212324	3 372 940
15	МОНТАЖ БАЛКОНЫХ ПЕРИЛ ИЗ МЕТАЛЛ.РЕШЕТОК	Т	2,5	20649666	51 624 166
16	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА РЕШЕТОК ЗА 2 РАЗА	100М2	1,24	1643357	2 037 763
17	УСТРОЙСТВО МЕЛКИХ ПОКРЫТИЙ [ПОДОКОННИКОВ] ИЗ ЛИСТОВОЙ ОЦИНКОВАННОЙ СТАЛИ	100М2	0,299 25	11142674	3 334 445
18	ОБЛИЦОВКА ПОТОЛКА ДЕКОРАТИВНЫМИ ПЛАСТИКОВЫМИ ПАНЕЛЯМИ С УСТРОЙСТВОМ С КАРКАСА БЕЗ ОТНОСА ОТ ПОТОЛКА	100М2	0,25	12357101	3 089 275
<b>ВНУТРЕННИЕ ОТДЕЛОЧНЫЕ РАБОТЫ</b>					
19	УСТАНОВКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ДВЕРЕЙ С ПОДГОТОВКОЙ ПРОЕМА И УСТАНОВКОЙ НАКЛАДНЫХ И ЗАКЛАДНЫХ ДЕТАЛЕЙ ПЛОЩАДЬЮ ДВЕРНОГО ПРОЕМА: ДО 2.5 М2	М2	3,8	1351614	5 136 135
20	УСТАНОВКА АЛЮМИНИЕВЫХ ВИТРАЖЕЙ	100 М2	0,336	114163101	38 358 802
21	УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100М2	0,097	112979267	10 958 989
<b>КРОВЛЯ</b>					
22	КИРПИЧНАЯ КЛАДКА ФРОНТОНА	М3	4	1023073	4 092 290

23	УСТАНОВКА СТРОПИЛ	МЗ	8,22	5462364	44 900 631
24	УСТРОЙСТВО ДЕРЕВЯННЫХ ОБРЕШЕТОК	МЗ	8,96	5515220	49 416 368
25	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	МЗ	12,75	5515220	70 319 051
26	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ	100 М2 КРОВЛИ	9,9	14147956	140 064 769
27	КОНЬКИ ИЗ ОЦИНК.СТАЛИ	М	56	19797	1 108 657
28	СНЕГОЗАДЕРЖАТЕЛИ	М	140	22626	3 167 591
29	УСТРОЙСТВО ЖЕЛОБОВ ПОДВЕСНЫХ	100М	1,6	3976006	6 361 610
30	ВОРОНКИ	ШТ	22	55150	1 213 301
31	КОЛЕНА	ШТ	66	21212	1 399 962
32	НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ	100М ТРУБ	2,1	4870592	10 228 243
33	ОБШИВКА ФРОНТОНА ИЗ ПРОФНАСТИЛА	100 М2	0,3	23204669	6 961 401
34	ОБЛИЦОВКА НАВЕСА ИЗ КРАШЕННОЙ СТАЛИ ТУНУКАПОН	100 М2	0,9	23768484	21 391 636
35	УСТРОЙСТВО СЛУХОВЫХ ОКОН	СЛУХОВО Е	8	1343631	10 749 045
<b>САНТЕХНИЧЕСКИЕ РАБОТЫ</b>					
36	ПРОКЛАДКА ВНУТРЕННИХ ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ НАПОРНЫХ ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ ИЛИ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ НА СВАРКЕ НАРУЖНЫМ ДИАМЕТРОМ ДО: 32 ММ	100 М ТРУБОПРО ВОДА	1,2	5121230	6 145 476
37	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ МНОГОСЛОЙНЫХ МЕТАЛЛ-ПОЛИМЕРНЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 25 ММ	100М	4	4084997	16 339 987
38	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ИЗ МНОГОСЛОЙНЫХ МЕТАЛЛ-ПОЛИМЕРНЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 15 ММ	100М	0,5	3510633	1 755 316
39	АМЕРИКАНКА 32/25	ШТ	2	23550	47 101
40	МУФТА ДУ32ММ	ШТ	40	1531	61 259
41	МУФТА ДУ25ММ	ШТ	110	1216	133 774
42	ВЕНТИЛЬ МУФТОВЫЙ ДУ25ММ	ШТ	20	85702	1 714 035
43	ТРОЙНИК 32Х25Х32	ШТ	40	10252	410 090
44	ТРОЙНИК ДУ25ММ	ШТ	210	1503	315 670
45	ОТВОД ДУ25ММ	ШТ	410	1329	544 995
46	УШАСТИК НАРУЖНЫЙ	ШТ	80	11313	905 026
47	УШАСТИК ВНУТРЕННИЙ	ШТ	20	11313	226 257
48	УШАСТИК ДВОЙНОЙ	ШТ	41	35353	1 449 456
49	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 110 ММ	100 М ТРУБОПРО ВОДА	2,6	4645590	12 078 533
50	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ	100 М ТРУБОПРО ВОДА	1,23	3247436	3 994 346
51	ТРОЙНИК 100Х50Х100	ШТ	30	28282	848 462
52	ТРОЙНИК ДУ100ММ	ШТ	41	7071	289 891
53	ТРОЙНИК ДУ50ММ	ШТ	61	7071	431 301
54	ОТВОД ДУ100ММ	ШТ	100	21212	2 121 155
55	ОТВОД ДУ50ММ	ШТ	64	9899	633 518
56	МУФТА ДУ100ММ	ШТ	50	4949	247 468
57	ПЕРЕХОДНИК 100/50	ШТ	30	14141	424 231
58	ПЕРЕХОДНИК 50/32	ШТ	1	4242	4 242
59	ПЕРЕХОДНИК 50/25	ШТ	1	3959	3 959

60	КЛИПСЫ МЕТАЛЛИЧЕСКИЕ ДУ100ММ	ШТ	100	8485	848 462
61	КЛИПСЫ ДУ25ММ	ШТ	200	594	118 785
62	ЧОПИК 6/60	ШТ	200	212	42 423
	<b>ИТОГО: с НДС</b>				<b>584 763 548</b>

Шартноманинг умумий сўммаси **584 763 548** (Беш юз саксон тўрт миллион етти юз олтиш уч минг беш юз қирқ саккиз) сўмни ташқел этади.

**«Ижрочи»**  
«Дамир қурилиш сервис» МЧЖ

**«Буюртмачи»**  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти



Рахбар

Ф.Қосимов

(имзо)



Ректор

М.Э.Пўлатов

(имзо)